ФАРҒОНА ПОДШОЛИГИНИНГ АРАБ ИСТИЛОСИГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ИШТИРОКИ

(истилонинг биринчи босқичи: 651-715 йиллар)

А. Отахўжаев

Мақолада араб истилосининг биринчи босқичи (яъни 651 – 715 йиллари)даги истилога қарши курашда Марказий Осиё халқларининг, хусусан, Фарғона подшолигининг иштироки масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: *Фарғона, араб истилоси, Суғд-Чоч-Фарғона-Турк ҳоқонлиги иттифоқи, Алутар, Қутайба*

В статье прослежено участие народов Центральной Азии, в частности, ферганского царства в борьбе против арабского нашествия на его первом этапе (651-715 гг.).

Ключевые слова: *Фергана, арабское нашествие, союз Согд-Чач-Фергана-Тюркский каганат, Алутар, Қутайба*

In this article highlightsthe struggle of the Central Asian people, especially, representatives of Farg'ona kingdom against the invasion of Arab caliphate in its first stage (651-715).

Key words: *Fargona, Arab invasion, the union of Sog'd-Choch-Farg'ona-Turkish caganates, Alutar, Qutayba.*

VII аср 30-йилларида қарор топган Араб халифалиги ўз сарҳадларидан чиқиб, 636 (Кадис) ҳамда 642 (Нехованд) йилларда ўша даврнинг қудратли давлати саналган Сосонийларга жиддий талафот етказди. Беш асрлик (III–VII) салтанат ўн етти йил (633-651) давомида барҳам топди [9.216; 8.93: 18.167]. Шундан сўнг Араб халифалиги қўшинлари 642-644 йилларда Хуросонни эгаллади

А. Отахўжаев *– ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори.*

ва ўз сафларини тўлдириб, Амударёнинг нариги томони – Мовароуннаҳрга юриш бошлади.

Бу даврда Мовароуннаҳр ҳудудлари Ғарбий Турк хоқонлиги вассали бўлса-да, марказлашган ҳокимият йўқ эди. Ўлкадаги Суғд ва Тохаристон конфедратив мулкларга, Чоч ва Илоқ хоқонлик вассаллигидаги ярим мустақил мулкларга, Фарғона эса шимолий ва жанубий ҳокимликларга бўлиниб кетган эди [1.281]. Ҳатто Уструшона, Чағониён, Кабодиён, Хутталон, Рашт, Дарвоз, Бадахшон (Вахон, Шуғнон, Рушон) каби ўлкалар ҳам ярим мустақил мулклар сифатида ўз ҳокимлари томонидан бошқариларди [5.154]. Мазкур пораканлик ҳолати араб истилочилари учун айни мудао эди.

644 йилда араб қўшинлари Тохаристон чегарасига чиқди. Бироз фурсат ўтгач, 651 йилда улар Ахнад ибн Қайс бошчилигида сўнгги Сосоний ҳукмдори Йездигирд III ни таъқиб қилиб Марвга келди. Йездигерд III Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ва турк хоқонларидан ёрдам кутиб, Амударёдан ўтди. Дипломатик воситаларини ишга солиб, Ғарбий Турк хоқонлиги, Суғд ихшиди, Чоч ҳукмдори ва ўлка тақдирига бефарқ қараб турмаган Фарғона подшоси (манбаларда номи учрамайди) томонидан юборилган қўшинлар билан бирлашди. Аммо Сосоний амалдорлари туркларни ўзларининг “азалий рақиби” эканлигини баҳона қилиб, араб лашкарбошиси билан музокарага киришди. Натижада Йездигерд III ҳижрий 31 (651/652) йилда Марв яқинидаги Разик қишлоғида ўлдирилди [6.141]. Марв эгалланиб, Мовароуннаҳрга юришлар учун таянч нуқтага айлантирилди.

Араб қўмондонлари ишни аввал Мовароуннаҳрдаги вазиятни ўрганишдан бошлади. Фақат 654 йилда Амударёнинг ўнг соҳилидаги Насаф яқинидаги Маймурғ қишлоғига ҳужум уюштиришди [17.199; 20.238]. Кейинги ҳаракатлар Бухоро ва Марказий Суғд (Самарқанд)га қаратилди. Халифалик маъмурлари Хуросонга, шу жумладан, Мовароуннаҳрга ўз ноибларини тайёрлашни бошлашди. Ҳижрий 51 (671/672) йилда Мовароуннаҳрга кўчириб келтирилган куфаликлар ҳамда басраликлар бош қўмондони Рабиъ ибн Зиёд, ҳижрий 53 (672/673) йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд, ҳижрий 55 (674/675) йилда Аслам бин Зуръа, ҳижрий 56 (675/676) йилда Саид ибн Усмон, ҳижрий 61(680/681) йилда Салм ибн Зиёд ибн Абийҳ Хуросон ноиби бўлишди [2.38–42,144; 3.116; 10.9]. Улар Бадғисдаги сўнгги эфталий ҳукмдор Низак Тархон, Бухоро маликаси Қабаж Хотун ва шаҳзодаси Туғшода, Суғд ихшиди Тархун каби маҳаллий ҳукмдорлар қаршилигини енгиб, нотенг сулҳ шартномалари тузишга эришди. Маҳаллий кучларда ягона раҳбарият ва қаршилик кўрсатиш режаси йўқ эди. Шу боис улар истилочиларга жиддий зарба бера олмадилар. Бундан ташқари, халифалик ва Хуросон ноиблигидаги арабларароро низолар ҳам баъзида истилочиларга панд бериб турарди. Фақатгина ҳижрий 78 (697/698) йилга келиб, Мухаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий Хуросон ноиби бўлгач, Мовароуннаҳрдаги ҳарбий ҳаракатлар яна жонланди. Бу вазиятда Турк хоқонликлари ҳам Ўрта Осиёдаги воқеаларга аралаша олмас эди. Чунки улар Тан империяси қўшинлари билан жиддий тўқнашувлар арафасида эди. 698 йилда Идукбошидаги Хитой билан бўлган жангда Ғарбий турк қўшинлари катта қурбонлар эвазига ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Бундан ташқари Учжила бошчилигидаги исёнкор туркашларнинг ҳокимият учун кураш бошлаши [19.154-155] ҳам Ғарбий Турк хоқонлигини заифлаштириб қўйган эди.

Истилонинг дастлабки йилларида, яъни 700 йилга қадар Мовароуннаҳрнинг Кеш, Насаф, Хутталь, Бадғис, Ахарун, Шуман, Термиз каби мулкларининг ҳукмдорлари араблар билан сулҳ тузишга мажбур этилди. 700 йилга келиб вазият ўзгарди. Тархун (700-710) расмий равишда Суғд ихшиди сифатида эътироф этилди. Айни пайтда Фарғона тахтига Алутар (700-726) келди. Бу эса истилога қарши кураш учун ватанпарвар кучларни бирлаштириш имкониятини берди. Шу билан бирга халифалик маъмурлари ҳам Мовароуннаҳрдаги вазиятни қўлдан чиқармаслик ҳаракатида эди. Ҳижрий 86 (705) йилда халифа ал-Валид I ибн Абдулмалик (86-96 – 705-714/715)томонидан тажрибали лашкарбоши Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийнинг Хуросон ноиблигига тайинланиши ҳам бежиз эмас эди [2.81–102]. Айнан унинг даврида, Мовароуннаҳрдаги талончилик юришлари истилочилик юришларига айлантирилди.

Қутайбани Мовароуннаҳрда жиддий қаршилик кутиб турарди. Нафақат Балх, Бадғис, Тохаристон, Суғд ва Бухородаги маҳаллий кучлар, балки Чоч ва Фарғона каби давлатларнинг қўшинлари ҳам араб истилосига қарши курашларда фаоллик кўрсатди. Бунда Чоч ҳокими Мохэду (Баҳодир) тудун ва Фарғона подшоси Алутарнинг жонбозлиги эътирофга лойиқ эди. Араблар ўз йўлларида маҳаллий кучлардан ташқари кўчманчи ва ярим ўтроқ турклар ва қарлуқларнинг жанговар қаршилигига ҳам дуч келишди. Бу вазиятда Қутайба фақат ҳарбий-сиёсий ва дипломатик воситаларини ишга солиб, Моваруннаҳрни эгаллаши мумкин эди. Аввалига у Хуросон ва Тохаристон (Балх, Чағониён, Шуман)ни батамом бўйсундирди. Чағониён подшоси Тишни ўз томонига оғдирди. Ахарун

ва Шуман ҳокими Гуштасбон билан сулҳ тузиб, укаси Солиҳ ибн Муслимни Термизга ноиб этиб тайинлади. Ҳижрий 87 (705/706) йилда эса Бадғис ҳокими Низак Тархон ҳам Қутайба билан сулҳ имзолаб, исломий Абул Хайёж номини олди. Балх ва чағонхудот қўшинлари Қутайба сафига қўшилди [2.96,113-115; 3.120; 10.11]. Маҳаллий ҳокимларнинг бундай таслимчилик сиёсати Қутайбанинг кейинги ҳаракатларини осонлаштирди.

Аммо Суғд ихшиди Тархун ва Бухоро бухорхудоти Туғшода ибн Будун (693/695-724) ўз иттифоқчилари бўлмиш Чоч ҳамда Фарғона ҳукмдорлари билан истилочиларга қарши кураш чораларини излай бошладилар. Шу боис Қутайбанинг барча юришлари иттифоқчиларнинг қаршилигига учради. Жумладан, ҳижрий 88 (706/707) йилдаги Нумушкент (Кумушкент) ва Ромитанга юриши чоғида суғдийлар, чочликлар ва фарғоналиклардан иборат иттифоқчи кучлар қаршилигига дуч келди. Бу сафар ҳам Қутайба маҳаллий ҳукмдорлардан бири Низак Тархон – Абул Хайёж ёрдамида бирлашган кучларни бартараф этишга эришди [2.119]. Бадғис ҳокимининг бу ҳаракати маҳаллий кучларнинг умумманфаатларига зид эди, албатта.

Айни пайтда Ўрта Осиёдаги вазиятни қўлдан чиқармаслик учун Шарқий Турк хоқони Қапағон (692-716) ўз жияни, Элтаришнинг ўғли – шаҳзода ва лашкарбоши Култегин (Кўрмаганун)ни (687-732), ўз маслаҳатчиси Билга Тўнюқуқ ҳамроҳлигида 200 минг (бошқа манбаларда 40 минг) қўшин билан Самарқанд ҳимоясига юборди. Маҳаллий ҳукмдор – Суғд ихшиди Тархун қўшинлари шарқий турклар билан бирлашди. Улар сафига бухороликлардан ташқари, чочлик ва фарғоналик қўшинлар ҳам келиб қўшилди. Иттифоқчиларга қарши Қутайба очиқ жангда бас келолмаслигини англаб етгач, ҳийла йўлига ўтди. Шу мақсадда у ўз вакили Ҳайёни Набатийни махфий равишда Суғд ихшиди Тархун ҳузурига юбориб, унда шарқий туркларга нисбатан шубҳа уйғотишга эришди. Тархун ҳам Қутайба олдига одам юбориб, у билан сулҳ тузгач, жанг майдонини ташлаб чиқиб кетди. Тенгсиз жангда Култегин ярадор бўлди. Бу эса иттифоқчилар ва шарқий турк қўшинини чекинишга мажбур қилди, шарқий турклар ортга қайтди [2.119-122; 3.122-123; 10.13-15: 14.63. 18. 167-170].

Вазият шу қадар тез ўзгариб борардики, аввалига Қутайбага иттифоқчи бўлган Бадғис ҳокими Низак Тархон Қутайбанинг адолатсизлиги ва маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсизлиги олдида чидаб туролмай, энди унга қарши янги иттифоқчилар излаб Балх испехбодига, Марверруд ҳукмдори Базамга, Талликон шоҳи Сехрикка, Кеш мулкига қарашли Фарёб қишлоғи ҳокими Турсулга, Жузжон шоҳи Жузжонийга мактублар йўллади. Уларни истилочиларга, хусусан, Қутайбага бўйсунмасликка чақирди. Қутайба бундан хабар топиб, Талликон аҳолисини жазолади. Фарёб, Жузжон ва Балхни қайта бўйсундирди. Низак Тархонни эса ўлдирди [2.124-125].

Тархуннинг юқоридаги каби таслимчилик сиёсати Суғд аслзодаларидан иборат маъмуриятини қаноатлантирмади. Оқсоқоллар Кенгаши Тархунни хиёнатда айблаб, тахтдан туширди. Бундай ноҳақ айбловга чидай олмаган Тархун ўз жонига қасд қилди. Оқсоқоллар Кенгаши Суғдга Тархуннинг укаси Ғуракни афшин – тахт вориси қилиб тайинлади. Аммо бу билан вазият ўзгармади. Суғднинг ўзида якдиллик етишмасди. Тархун ўлгач, унинг тарафдорлари Панч вилояти ҳокими Девештич атрофида бирлашди. Улар янги ҳукмдор Ғуракка қарши кайфиятда эди. Девештич эса Тархуннинг фарзандларини ҳомийликка олиб, ўзини Суғд тахтига “даъвогар” деб эълон қилди [4.63-67; 21.387-430]. Айниқса, Ғуракнинг 712 йилда Қутайба билан “Самарқанд шартномаси”ни имзолаши Девештичнинг “Суғд подшоси, Самарқанд ҳоким”лигига даъвосини кучайтирди.

Қутайба 712 йилда Самарқандга юриш бошлагач, Суғд маъмурияти мадад сўраб Чоч (Шош) ҳукмдори (элтабар Кадар) ва Фарғона ихшиди (Алутар)га: “Агар араблар бизни енгса, сизларни ҳам бизнинг куйга солади, шу боис ҳеч бўлмаса ўзларингиз учун ҳаракат қилинглар”, - деган мазмунда нома йўллади [7.382-387]. Дастлаб бирлашган кучлар арабларга талофат етказди. 712 йилдаги Самарқанд ҳимоясига шарқий турклар бош қўмондони – апа-тархони Қапағоннинг кичик ўғли Инал хоқон бошчилигидаги қўшини ҳам етиб келди. Аммо шу пайтда шарқий туркларнинг Тан империяси билан муносабати яна кескинлашиб, Қапағон хоқон ўз қўшинини чақириб олди. Натижада, ҳимоячилар муваффақиятсизликка учраб, Қутайба қўшинининг қўли устун келди. Самарқанд эса қамал қилиниб, араб қўшинлари шаҳарга кириб келди. Ўртадаги сулҳга кўра, Ғурак шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Аммо 712 йилнинг кузида самарқандликлар турк хоқони, чочлик ва фарғоналик қўшинлар ёрдамида Самарқанддаги араб горнизонига ҳужум уюштирди. Бу сафар ҳам Қутайба горнизонни сақлаб қолди. Энди Қутайба доимий қаршилик кўрсатиб келаётган Чоч ва Фарғонани бўйсундиришга киришди. Ҳижрий 94 (712/713) йилда у кузатув (разведка) мақсадида Чоч (Шош) ва Фарғонага юриш қилди [11.80: 18.170]. Аммо бу сафар ушбу ўлкаларни эгаллаш учун тўлақонли ҳарбий ҳаракатларни амалга оширмади.

Бундан сергак тортган Турк хоқонлиги, Суғднинг Деваштич тасарруфидаги шарқий қисми, Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари 712-713 йиллар арафасида араб истилосига қарши коалиция тузди. Бунга яна 712 йилдаги "Самарқанд шартномаси", Ғуракнинг арабларга таслим бўлиши, Панч ҳокими Деваштичнинг арабларга қарши курашда ташаббускорлиги ҳам сабаб бўлди. Бу воқеалар Муғ архивидан топилган А-14 ҳужжатида акс этган [4.77–91; 17.228–236]. Деваштич ўз элчиси Фатуфарнни Чоч ва Фарғонага, улар орқали Турк хоқони ҳузурига жўнатди. Элчи топшириқни бажариб, Деваштичга маълумотнома (А-14 ҳуж.) йўллаб: "Ва жаноб мен бу ерга, Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим. Жаноб, хатларингни ҳам топширдим, оғзаки (айтилиши) лозим бўлган мурожаатни ҳам оқизмай-томизмай ("қолдиқсиз") баён этдим. Тудунга ҳам унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб, хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи қўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим", - дейди. Сўнг Фатуфарннинг қайтиши билан боғлиқ мураккабликлар баёни: "Жаноб мен шу туфайли юқори томонга юра олмадим. Хабарларга кўра, хоқон ҳеч кўринмас эмиш", - жумлалари унинг Турк хоқони билан учраша олмаганини англатади. Чунки аввал Чочда бўлган хоқон Фатуфарн етиб келгунча ўз қароргоҳи Еттисувга кетиб улгурган эди. Номаларнинг бир нусхаси Фарғона подшосига ҳам топширилиши керак бўлган. Аммо Фатуфарн келгунча Чочда бўлган Фарғона подшоси ҳам юртига кетиб қолган эди. Фақат Фарғона тутуғи ҳали Чочда бўлиб, у Фатуфарндан ўз подшосига мўлжалланган хатни олган [12.24-27; 13.5]. Бизнингча, Фатуфарн келгунга қадар Турк хоқони, Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари Чочда бўлишиб, араб истилосига қарши курашиш режаларини маслаҳатлашишган, фақат Деваштич вакили Фатуфарн ўз вақтида етиб келолмаган. Бунинг сабабларини арабларнинг 712 йилдаги Чоч ва Фарғонага юриши билан боғлаш мумкин.

Ҳижрий 95 (713/714) йилга келиб, Қутайба яна Шошга юриш уюштирди. Орадан бир йил ўтиб эса Қошғар ва Хитой томон юришни режалаштирди [2. 144–149]. А-14 ҳужжати тафсилотлари айнан шу йилларга тўғри келади. Чунки Фатуфарн Панчга қайтишида Уструшона араблар қўлига ўтиб, йўли бекилиб қолганини: "... Уструшона вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган. Жаноб, мен якка-ёлғиз, беҳамроҳ ҳолда (йўлимда давом этиб) юришга журъат қилолмаяпман. Жаноб, иккинчи қайта Чоч томон қайтиб келдим", - деб ёзади. Шундан маълум бўладики, Фатуфарн Деваштич ҳузуридан Чоч томон йўлга тушганда бу ҳудудлар ҳали мустақил бўлган. Орадан ҳеч вақт ўтмай, араблар Уструшона устидан назорат ўрнатиб, Фарғона йўналишига чиққан. Бундай вазиятда Фатуфарннинг жавоб мактублари билан ортга қайтиши хатарли эди. Мактубнинг иккинчи қисмида Фатуфарн ўзи гувоҳ бўлган ҳарбий-сиёсий вазиятни баён этади. Унга кўра, Чоч тудуни Чадрчик (Чирчиқ ёки Жиззах)да "този (араблар)лар билан тузган битимига биноан чекинди". Коалицияга иттифоқчи Жамраваз ва форс лашкарбошиси "қуйи томон" кетиб қолишган эди. Бундан ташқари, Фатуфарн: "тудун Тарбанд(даги хоқон) билан битим тузган. (Чунки у ердаги ҳамма жойларни (Хоқон ўз тасарруфига) олган", - деб Чочнинг шимолий қисми ҳали мустақил эканлигини Деваштичга маълум қилади. Мактуб сўнггида у: "Жаноб, бу хатни мен Марвон (исмли киши) қўли орқали Канд (Конибадом) томонидан (айланма йўл билан) жўнатдим", - деб ёзади. Матнга кўра, Марвон Фатуфарн ёзган мактубни Исфара ва Матчоҳ орқали Деваштич қароргоҳига етказган [4.84, 90–91; 12.26-27; 13.7-12].

Бу маълумотлар 713-714 йиллардаги қаршилик ҳаракатида Суғд, Чоч ва Фарғона билан Шарқий турклар иттифоқчилик қилган дейишга асос беради. Улар биргаликда Қутайбанинг Чоч, Фарғона ва Уструшонага юришларига қаршилик кўрсатишган. Мактубга кўра, Суғддаги аксилараб ҳаракатига Деваштич бош бўлиб, Чоч ҳокими, Фарғона ихшиди ва Турк хоқони билан иттифоққа эришган. Шу боис Қутайбанинг 712 йилда Чоч ва Фарғонага юриши ва кейинги ҳижрий 95-96 (713/714-715) йиллардаги ҳарбий ҳаракатлари Суғд, Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлигидан иборат коалицияга зарба беришга қаратилди. Хусусан, ҳижрий 95 (713/714) йилда у Чочга иккинчи қайта юриб, уни ўз қароргоҳига айлантиришга, бу ердан эса Исфижоб томонга ҳаракатланишга режа тузди. Бунинг учун Қутайба аввал Чоч ва Фарғонани бўйсунтириши зарур эди. Шу мақсадда у 715 йилдаги иккинчи юришида Фарғона водийсини эгаллади. Бироқ унинг режалари батамом амалга ошмади. Ҳижрий 96 (714/715) йилда Халифалик Сулаймон ибн Абдулмалик қўлига ўтди. У Қутайбанинг рақиби эди. Сулаймон тарафдорлари Қутайбани оға-инилари ва ўғли Касир билан бирга қатл этди. Айрим манбаларда Қутайбанинг Фарғонада ўлдирилгани хусусида маълумотлар ҳам мавжуд [2.159; 4.84; 15.92-109]. Арабларарро кечган бу воқеалардан сўнг истилочилик ҳаракатлари бироз сустлашди. Бу араб истилосининг биринчи босқичи эди. Қолаверса, Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим (86-96/705-715) араб истилосининг биринчи босқичини (651-715) талончилик юриш-

ларидан исломлаштириш жараёнига айлантирди [16.121].

Хулоса қилиб айтганда, араб истилосининг биринчи босқичи Ўрта Осиё халқларини жиддий синовдан ўтказди. Тарихи ва тақдири бир бўлган шу юрт эгалари биргаликда душманга қарши кураш олиб боришга сафарбар этилди. Албатта, бу кураш хатолар ва янглиш ҳаракатларсиз кечмади. Аммо суғдийлар, бухороликлар, тохаристонликлар бошига тушган кулфатга қарши чочлик ва фарғоналик юртдошлари, шунингдек, қарлуқ, турк ва тургаш каби қавмдошлари мадад қўлини чўздилар. Бу эса уларнинг Ватан эрки учун бефарқ бўлмаганлигини, ҳамюртлик туйғуси доимо устувор бўлганлигини исботлайди. Қолаверса, юқорида баён этилган воқеалар тарихдан тўғри хулосалар чиқариб, ундан сабоқ олишга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. –Л.: Изд. АН СССР. – том II. – 1950.

2. История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. – Т.: Фан, 1987.

3. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А. Расулов тарж. // Мерос туркуми. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 82–174.

4. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен., пер. и коммент. В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962..

5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.

6. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч. Т. III.- М.: Наука, 1965. – С. 97–233.

7. Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. Т.II (2). – М.: Наука, 1964. – С. 382–387.

8. Бернштам А.Н. Среднеазиатская древностъ и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – 1947. – № 3.

9. Большаков О.Г. История халифата / Кн. 2. Эпоха великих завоеваний (633-656). – М.: Восточная литература РАН, 2002. –С. 216 (294 с. + илл., карты).

10. Вамбери Ҳ. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т., 1990.

11. История Самарканда. В двух томах. Том первый. С древнейших времен до великой октябрьской социалистической революции / Отв. ред. И.М. Муминов. – Т.: Фан, 1969.

12. Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Т.: Фан, 1990.

13. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992.

14. Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Т.: Фан, 1965.

15. Лившиц В.А. Согдийский посол в Чаче (док. А-14 с горы Муг) // СЭ. – 1960. – № 2.

16. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т.: Art-flex, 2010.

17. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970.

18. Тургун Алмас. Уйгуры. Часть 2. – Алма-Ата, 1994.

19. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001.

20. Vaissière de la È. Histoire des marchands sogdiens. – Paris: Collège de France, 2004. –377 p.

21. Kurat A.H. Kuteybe bin Müslim'in Hvarizm ve Semerkend'I zebti (higri 93-94-miladi 712) / Ankara Universitesi Dil va Tarih – Gôgrafiya dergisi. – Cilt VI. – № 4.

2014 йил 15 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Ражабов)